



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 6, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST
VOLUME 6, ISSUE 2



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамова Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербургда Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Севара Пулатова ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (Ғарбий Европа ва АҚШ тарихшунослиги методлари асосида).....	4
2. Дилафруз Атамуратова ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МОҲИЯТИ.....	10
3. Норпулат Аҳмеджанов ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДАГИ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	16
4. С.И. Габриэлян XIX АСР ОХИРИ КОНСЕРВАТОРЛАР ДАВРИ ЭРОНИДА АНГЛИЯ СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	21
5. Шахноза Касимова МУЗЕЙ КОММУНИКАЦИЯСИ БАДИИЙ ВА ЭСТЕТИК РИВОЖЛАНИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСИ СИФАТИДА.....	31
6. Қобулжон Насритдинов СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИ СИЁСАТИГА БЎЙИНСУНДИРИЛИШИ ТАРИХИДАН (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА).....	36
7. Эркин Раджапов ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ҲАРБИЙ СИЁСАТИ ВА “МУСУЛМОН ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРИ”.....	44
8. Гавҳар Турсунова РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИГА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ЖАРАЁНИДА МУСТАМЛАКА МАЪМУРИЯТИ ОЛИБ БОРГАН МАЪМУРИЙ-СИЁСИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ (XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ).....	57
9. Nodira Shermatova ABU NASR FAROBİY FALSAFASIDA BILISH KATEGORIYALAR.....	70
10. Fotima Shirinova, Zumrat Kasimova MUSTAQILLIK YILLARIDA O'ZBEKISTONDA MA'NAVIY – MADANIY TARAQQIYOT.....	76
11. Бахтиёр Халмуратов ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК: ЭТНИК ВА ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАР.....	82
12. Xurshid Egamqulov XALQ XIZMATIGA BAHSHIDA UMR (Jizzax “Milliy ittihad” sho‘basi a’zosi Orifjon Olimjonov haqida).....	86



Севара Акмаловна Пулатова,
тарих фанлари номзоди, доцент

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (Ғарбий Европа ва АҚШ тарихшунослиги методлари асосида)

For citation: Sevara A. Pulatova, SOME REMARKS ON HISTORICAL RESEARCH METHODS (based on the methods of Western European and American historiography). Look to the past. 2023, vol. 6, issue 2, pp.4-9

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7680623>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ғарбий Европа ва АҚШ олимлари томонидан ишланган тарихий тадқиқотнинг турли усуллари, ёндашувлар маълум бир изчилликда мухтасар таҳлил қилинади, хусусиятлари очиқ берилди. Бу ёндашувларнинг имкониятлари ва камчиликлари кўриб чиқилди. Тадқиқот усулларида синергетик ва тизимли ёндашув таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилган. Уларнинг қўлланиши ҳақида мулоҳаза юритилди. Маданият масалаларининг назарий-услубий жиҳатларига тўхталиб, маданият муаммоларини чуқур таҳлил этишнинг долзарблиги асосланади.

Калит сўзлар: тарихий тадқиқот, формацион, синергетик, цивилизацион, тизимли ёндашув, маданият, тадқиқот усуллари, тарихшунослик, маданий жараёнлар.

Севара Акмаловна Пулатова,
кандидат исторических наук, доцент

НЕКОТОРЫЕ ЗАМЕЧАНИЯ ПО МЕТОДАМ ИСТОРИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ (на основе методов западноевропейской и американской историографии)

АННОТАЦИЯ

В статье в определенной последовательности кратко анализируются различные методы и подходы исторического исследования, разработанные западноевропейскими и американскими учеными, выявляются их особенности. Обсуждаются преимущества и недостатки этих подходов. Из методов исследования особое внимание уделяется анализу синергетического и системного подхода. Обсуждается их использование. Акцентируя внимание на теоретико-методологических аспектах проблем культуры, обосновывается актуальность глубокого анализа проблем культуры.

Ключевые слова: историческое исследование, формационный подход, синергетический, цивилизационный, системный подход, культура, методы исследования, историография, культурные процессы.

Sevara A. Pulatova
candidate of Historical Sciences, Associate Professor

SOME REMARKS ON HISTORICAL RESEARCH METHODS
(based on the methods of Western European and American historiography)

ABSTRACT

In the article, in a certain sequence, various methods and approaches of historical research developed by Western European and American scientists are briefly analyzed, their features are revealed. The advantages and disadvantages of these approaches are discussed. Of the research methods, special attention is paid to the analysis of the synergistic and systematic approach. Their use is discussed. Focusing on the theoretical and methodological aspects of the problems of culture, the relevance of a deep analysis of the problems of culture is substantiated.

Index Terms: historical research, formational approach, synergetic, civilizational, systemic approach, culture, research methods, historiography, cultural processes.

1. Долзарблиги:

Тарихий тадқиқот усуллари анъанавий равишда – умумий усуллар ва махсус тарихий усуллар каби иккита катта гуруҳга бўлинса-да, бу бўлиниш шартлидир. Чунки, тарихий метод нафақат тарихчилар, балки табиий (масалан, биология) ва бошқа ижтимоий фан мутахассислари томонидан ҳам кенг қўлланилади. Тарихий манбанинг хусусиятидан келиб чиқиб, тадқиқотчи уни ўрганишда маълум методни танлайди. Аксарият ҳолларда тарихчи олим ўз тадқиқотида бир неча методларни ҳам қўллаши мумкин. Шунингдек, тадқиқот методларини таҳлил қилиш анчагина мураккаб бўлгани учун тарихшуносликда унча ҳам оммавий мавзу ҳисобланмайди. Ваҳоланки, тадқиқот учун танланган метод унинг натижаларига сўзсиз катта таъсир қилади. Тадқиқотчилар танлаган услубий ёндашувларнинг турфа хиллиги, бир-бирларидан фарқланиши, уларнинг ўзига хос хусусиятлари тарихий жараёнларни турли талқинларига, илмий мактабларни шаклланишига, рақобатдош тушунчаларнинг пайдо бўлишига олиб келади ва бу келажакда илмий мунозаралар учун асос бўлади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолада формацион, цивилизацион, тизимли, синергетик каби ёндашувлар мухтасар таҳлил қилиниб, уларнинг тарихий таҳлил имкониятлари ва камчиликлар кўрсатилган. Жаҳон тарихшунослигида уларни ўрганган айрим олимлар номлари ва асарлари келтирилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Тарих фанининг тадқиқот усуллари масалалари жаҳон тарихшунослигида ҳамма даврларда ҳам олимларнинг диққат марказида бўлиб, бу хусусда қизгин муҳокамалар ҳали хануз давом этмоқда. Қарашлар, талқинлар, мулоҳазалар тўқнашувида давримизнинг ниҳоятда мураккаб воқелиги анъанавий ёндашувлар асосида таҳлил қилиниб, мазмун-моҳиятини очиб бериш мумкин эмаслиги аён бўлмоқда. Чунончи, совет давридаги тарихий тадқиқотларда қўлланилган асосий метод – формацион ёндашувнинг бугунги кунда қўллаш доираси жуда чекланган.

Мозийга назар солинса социализм йўлини тараққиётнинг боши берк йўлларидан эканини ва XX асрнинг 90-йиллар арафасидан Ўзбекистон тарихнинг магистрал йўлига қайтиш учун қатъий ҳаракатлар бошлаганини кўриш мумкин.

Маълумки, формацион ёндашувнинг асосини тарихнинг турли босқичларида моддий неъматларни ишлаб чиқариш усулларидаги фарқ белгилайди. Шунга асосан, узоқ вақт давомида тарихий тадқиқотларда қўлланилган формацион ёндашув доирасида совет даври тарихи капитализмдан социализмга ўтиш, унинг қуйи босқичларидан етуклик босқичлари томон ривожланиши сифатида талқин этилди. Эришилган босқичларнинг сўнгиси эса расман "ривожланган социализм" деб номланди.

Лекин тарихга формацион ёндашув тарихий жараёнлардаги субъектив омилларнинг роли ва ўрнини тўғри баҳолашга, тарихий ривожланиш қонуниятларини, ўзига хослигини ва хусусиятларини тушунтириб беришга қодир эмас эди.

Собиқ СССР ва дунёнинг бошқа бир қатор мамлакатларида социалистик ғоянинг мағлубияти инсоният жамияти тарихига формацион ёндашувнинг ҳаққонийлигига бўлган ишончни сўндирди ва формацион ёндашувнинг кўплаб тарафдорлари ундан воз кечиб, бошқа методларга, жумладан, цивилизацион ёндашувга муурожаат қилдилар.

Цивилизацион ёндашувнинг маълум бир жиҳатлари формацион ёндашувга яқин бўлиб, унинг мазмун-моҳиятини инсоният ёввойиликдан варварликка ва ундан замонавий цивилизациялашган тарихий шаклларга томон ривожланиши ҳақидаги қараш ташкил этади. Лекин вақт ўтиши билан цивилизацион услубни ҳам ҳамма даврларни тадқиқ этиш учун ҳам тўғри келадиган мукамал деб бўлмаслиги аён бўлди.

Чунончи, олима Н.Мустафаева тадқиқотида[6] жаҳон тарихшунослигида маданият ва цивилизация ўртасидаги боғлиқликни ўрганилиши анча батафсил ёритилган. Жумладан, XVIII асрдан бошлаб маданият замирида цивилизациялар пайдо бўлганлиги хусусидаги фикрлар ривожланиб, уларнинг фалсафий талқинида тенг маънода қўлланила бошлангани, Н.Я.Данилевский, О.Шпенглер, А.Тойнби асарларида цивилизациянинг ўзига хос талқинлари очиқ берилди. Олимларнинг ижтимоий ҳаётнинг асосини турли даражадаги бир-бирдан алоҳида бўлган цикли “маданий – тарихий типлар” ёки “цивилизациялар” ўз тараққиёти босқичида туғилиш, ривожланиш, кексалик ва қулаш даврларини ўтайди, деган фикрга урғу берганлари қайд этилади.

Дарҳақиқат, цивилизация назарияси ҳам бошқа ҳар қандай илмий қараш каби мавжуд бўлиш ҳуқуқига эга ва унда бир қатор афзал жиҳатлар билан бирга маълум камчиликлар ҳам мавжуд.

Ушбу назарияга асосан, АҚШ бошчилигидаги ғарбнинг ўнга яқин мамлакатлари цивилизациянинг шоҳ йўлидан илгарилаб кетгач, ортда қолган мамлакатлар уларга тақлидан “модернизациялашув” жараёнини амалга оширишга киришганлар. Бироқ бу “ортда қолган” цивилизацияларнинг АҚШ модели каби ривожланиш стратегиялари муқаррар муваффақиятсизликка маҳкумдир. Сабаби, биринчидан, ер юзидаги ресурслар чекланган характерга эга ва иккинчидан, мавжуд ресурсларнинг энг асосий истеъмолчиси ҳам АҚШнинг ўзидир.

Машҳур инглиз тарихчиси ва социологи А. Тойнби бу хусусда "инсоният тарихини ягона ва узлуксиз ривожланиш жараёнининг қонуний натижаси сифатида ғарб иқтисодий тизими асосида дунёни унификациялаш (таъкид – С. П.) ҳақидаги тезис фактларни қўпол бузилишига ва тарихий қарашларнинг ниҳоятда торайишига олиб келиши"[8] тўғрисида огоҳлантирган эди. Дарҳақиқат, цивилизацион ёндашув доирасидаги таснифланганда, бошқалардан илгарилаб кетган мамлакатлар тарихига оид фактлар, ҳодисалар, жараёнлар ва шахслар аксарият ҳолларда ижобий хусусиятлари билан ёритилса, "маданиятсиз" деб баҳоланган мамлакатлар тарихига оид маълумотларда эса салбий сифатлар ва салбий қаҳрамонлар кўпроқ учрайди. Шу ўринда бундан аввалроқ немис файласуфи И.Г.Гердернинг (1744–1803) маданият типлари ҳақида “маърифатли” ва “маърифатсиз” турларга бўлинишига қатъий қарши чиқиб, маданият “беҳисоб, ўзига хос ноёб ранглар бўлиб, улар макон ва вақт ўзгаришига боғлиқ ўзгаради”[2], – деган эди.

Кўриб чиқилганидек, формацион, шунингдек, цивилизацион ёндашувларнинг ҳар иккиси ҳам тарихий жараёнларни тўғри талқин қилишда мукамал деб бўлмайди. Бу соҳадаги изланишлар ҳозирда тақлиф этилаётган қатор методлар ичида “синергетик” деб номланган услуб ўзининг универсаллиги билан ажралиб туришини намоен этади. Хўш, унинг ўзига хослиги нималарда ифода этади?

Аслида синергетика мураккаб тизимлар, уларни ўз-ўзидан ташкил топиши, биргаликда мувофиқлашиб, фаолият кўрсата олиш хусусияти, яъни **коэволюция** ҳақидаги фандир.

“Синергетика” (юнон тилидаги “**synergeia**” – биргаликдаги, мувофиқлаштирилган ҳаракат сўзидан олинган) муомалада икки хил маънода – биринчидан, мураккаб тизимли

элементларнинг кооператив ҳаракати, иккинчидан, бир турли билим соҳасидаги олимларнинг ҳамкорлиги маъноларида қўлланади.

Халқларнинг тарихий ривожланиш йўлини оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига томон "илғор моделлар" бўйича тўғри чизикли кўтарилиш шаклида ривожланиши, анъанавий жамиятдан замонавий жамиятга модернизациявий ўтиши сифатида талқин қиладиган цивилизацион ва формацион ёндашувларга қарши синергетик метод пайдо бўлди. Ушбу илмий ёндашувнинг пайдо бўлиши 1977 йилда Нобель мукофотида сазовор бўлган белгиялик олим И.Р.Пригожиннинг мувозанатлашмаган тизимларнинг термодинамикаси бўйича тадқиқоти ва 1973 йилда немис физиги Г. Ҳакеннинг ўзи ўрганган лазер нурланишида ўз-ўзини ташкил этилиш ҳодисасини "синергетика" деб номлаши билан боғлиқ. Бугунги кунга келиб, билишнинг ушбу диалектик усули универсал характерга эга экани ва жамият тараққиёти қонунларини тушуниш учун қўл келиши маълум бўлди. Маълумки, ҳозирги вақтда синергетика тарих фани методологиясига борган сари фаол кириб келмоқда ва фанлараро назария ролини ўйнамоқда.

Синергетик метод ўз-ўзидан шаклланмаган, албатта. Илк бора даосизм ва Лао Цзи таълимотларидаги "Қисмларнинг йиғиндисидан кўра умумийнинг катгароклиги"[3] тамойили кейинчалик синергетикада ривожлантирилиб, унга кўра, "бир бутун уни ташкил этган қисмлар йиғиндисига тенг эмас" – деган қараш қарор топди[7]. Шу билан бирга, ташкил топган бир бутун – уни ташкил этган қисмларни ҳам ўзгартириб юборади. Турли тизимлар коэволюцияси уларни ташкил этган ҳамда уларнинг таркибидаги қисмлар ўртасидаги **когерент алоқалар** мавжудлигини билдиради.

Синергетик ёндашув беқарорлик, олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган, муқобил ривожланиш каби тушунчаларга асосланади. Синергетик ёндашув тарихчиларни тарихий жараёнда беқарор вазиятларнинг ривожланишига янгича қараш имконияти билан жалб этади, бу эса турли хил салбий ҳодисалар таъсирини, башорат қилиш ва башорат қилиш мумкин бўлмаган кичик таъсирларни ҳисобга олишни талаб қилади.

Янги ёндашувнинг анъанавий ёндашувлардан асосий фарқи шундаки, тасодифийлик ҳодисаларнинг умумий оқимида таъсир қилмайдиган иккинчи даражали омил сифатида қаралиб, беқарорлик эса ривожланишни ягона ва "тўғри" траекториясидан оғдирадиган салбий, ҳалокатли ҳодиса сифатида талқин қилинган. Синергетикада эволюцион ёндашув ғояси тарихий жараённинг кўп вариантлилиги ва кўп ўлчамлилиги билан бирлаштирилади. Синергетика нуқтаи назаридан инсоният тарихининг XX асри ҳақиқий **бифуркация**[11] асри сифатида намоён бўлди.

Синергетик ёндашув табиат ва жамиятдаги жараёнларнинг мураккаблиги ҳақида тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Синергетик ёндашувнинг фанга, жумладан, тарих фанига ҳам тадбиқ этилиши самарали бўлиб, тарих фанининг тадқиқот методларини янги поғонага кўтарилганини англатади. Жумладан, авваллари фанга алоқаси йўқ деб ҳисобланган дунёни англаш методларидан бўлган бадий методлардан фойдаланиш имкони пайдо бўлади.

Маълумки, XX асрда илм-фан мураккаб объектларга тизим сифатида қараб, бир бутунликда, яхлит тизим сифатида ўргана бошлади. Жумладан, маданият соҳаси ҳам жуда мураккаб ва ранг-баранг ҳодиса ва жараёнларни ўз ичига олган яхлит ва мунтазам ривожланишдаги тизимдир (тизим – "система" сўзи юнонча сўз бўлиб, "алоҳида қисмлардан иборат бир бутунлик" маъносини англатади).

Шуни қайд этиш лозимки, тизим ўзаро боғлиқ элементлар комплексидан иборат бўлса-да, тизим ўзини ташкил этган элементларнинг хусусиятидан иборат эмас. Ҳар бир тизим, ўзидан юқорироқ тизимнинг элементи бўлиши мумкин. Ҳар бир тизим унга барқарорлик ва тартиб бағишлайдиган тизимнинг элементи бўлиши мумкин. Тизим хусусиятларида уни ташкил этган элементларнинг хусусиятларигагина эмас, балки, улар ўртасидаги боғлиқлик характери ҳам акс этади. Элементлар ўртасидаги барқарор алоқалар тизимнинг тартибланишини белгилайди. Мазкур ёндашув кенг қамровли бўлгани туфайли ўрганиш мураккаб бўлган маданият ва маданий жараёнларга бағишланган тадқиқотларда айниқса самарали бўлиши мумкин. Чунончи, таниқли америкалик олим, Калифорния университети

Маданият ва ҳиссиётларни ўрганиш лабораторияси директори Д.Мацумото (1958) маданият тушунчасининг мураккаблиги ҳақида "Инсон, маданият, психология" китобида шундай ёзган эди: "маданият тушунчаси жуда кўп турли хил маъноларга эга, чунки у ҳаётнинг кўп жабҳаларига таъсир қилади... маданият инсон ҳаётининг кўплаб жабҳаларига асосланган мураккаб тушунчадир. Унинг баъзи жиҳатлари моддий объектларни ўз ичига олади... бошқалари ижтимоий ва таркибий субъектлар билан боғлиқ... бошқалар эса индивидуал хатти-харакатлар ёки уюшган фаолият билан боғлиқ. Маданиятни ҳақиқий кўламини бир қарашда англаб етиб бўлмайди"[5]. Шундай экан, уни тўғри тушунишда тадқиқотчининг танланган ёндашуви жуда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, маданиятга бир бутун тизим сифатида қараш илк бор америкалик этнолог Л.Уайт (1900–1975) томонидан амалга оширилиб, унинг талқинида маданият моддий ва маънавий элементлардан ташкил топган бир бутун, ўз-ўзича ташкил топувчи тизимдир[10]. Л.Уайт маданият талқинининг уч типи сифатида тарихийлик, эволюционизм ва функционализмни кўрсатди[9]. Кейинчалик, Б.Малиновский, П.Сорокин, Т.Парсонс тадқиқотларида ҳам маданиятга ана шундай тизимли ёндашувни кузатиш мумкин. Жумладан, британиялик антрополог Б.Малиновский (1884–1942) замонавий функционализм йўналишининг асосчиси бўлиб, унинг қарашлари маданиятга берган тавсифида ҳам яққол акс этган: "Маданият – бу ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол товарлари, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар қоидалари, ғоялар ва хунармандчилик, эътиқод ва урф-одатлардан иборат ягона яхлитлик. Биз оддий ва ибтидоий маданиятга ёки ўта мураккаб ва ривожланган маданиятга мурожаат қилсак ҳам, ҳар қандай ҳолатда ҳам биз қисман моддий, қисман инсоний ва қисман маънавий кенг аппаратни топиб, унинг ёрдамида инсон унга дуч келадиган ўзига хос муаммоларни енгишга қодир бўлади"[4].

Маданиятга тизимли ёндашувнинг мураккаб жиҳати шундаки, шунинг таркибидаги элементларнинг ҳар бири – санъат, илм-фан, ахлоқ ва ҳ.к.ларнинг ҳар бири ўз навбатида мураккаб тизимлардир. Юқорида қайд этилганидек, маданият мураккаб, ўз-ўзича ривожланадиган тизим бўлиши билан бирга, ўз навбатида ўзидан ҳам мураккаброқ тизим бўлган жамиятнинг таркибий қисмидир. Шундай экан, маданият тизим сифатида жамият билан мавжуд ва у билан бирга узвий боғлиқликда ривожланади. Шу билан бирга жамият ҳам, уни ташкил этган элементлардан бири бўлган маданиятнинг ҳам таъсиридадир.

Бироқ жамият иқтисод, ижтимоий соҳа, сиёсат каби бошқа элементлардан ҳам ташкил топган ва улар маданият билан боғлиқликда, у билан бевосита ёки билвосита алоқада бўладилар. Шунинг учун жамиятга бир бутун макротизим сифатида қараб, ундаги сифатий ўзгаришларни чуқур таҳлилисиз маданият соҳасидаги ўзгаришларни, шунингдек, унда содир бўлаётган жараёнларни англаш мумкин эмас. Чунончи, ўтган асрнинг 80-йилларида собиқ иттифоқ иқтисодиётининг вайрон бўлиши, етмиш йилдан зиёд вақт давомида ҳукмронлик қилган сиёсий тизимнинг инқирози бутун бир тизимнинг емирилишига, шунингдек, унинг таркибидаги барча элементларнинг, жумладан, маданият фаолияти ҳам бузилишига олиб келди.

Шундай қилиб, маданиятни тизим сифатида ўрганиш, унда кечаётган жараёнларни жамиятдаги уни ташкил этган элементларида содир бўлаётган ўзгаришлар контекстида тушунишга имкон беради.

Маданият – мураккаб, кўп босқичли жараён бўлиб, у инфраструктура ва керакли институцияларнинг ривожлантирилишига тўғридан тўғри боғлиқ. Бунинг учун маданият соҳасининг бошқарув усуллари, молиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш шаклларига нисбатан давлат сиёсатининг аҳамияти каттадир. Маданият институтларининг ҳар бири маданият сиёсатининг маълум йўналишига функционал равишда боғланганини қайд этиш лозим. Масалан, бадий ижод йўналишидаги вазифалар ижодий уюшмалар, ташкилотлар, театрлар, киностудиялар, концерт фаолияти билан шуғулланадиган муассасалар, цирк ҳамда бадий соҳа билан боғлиқ олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ишида ўз аксини топади. Маданий меросни асраш эса архивлар, кутубхоналар, музейлар, давлат тарихий-маданий кўриқхоналар каби муассасалар фаолиятининг асосини ташкил этади.

4.Хулосалар:

Тарихчи тадқиқ этаётган давр манзарасини акс эттириш танланган нуқтаи назар, ёндашув ўзгариши билан ўзгариб боради. Агар унинг диққат марказига ижтимоий ва синфий қарама-қаршилиқлар (ижтимоий тенгсизлик), ишлаб чиқариш ва хусусий мулк муносабатлари қўйилса, тарих манзараси бир кўринишда, инсон менталитети, хулқ-атвори масалалари қўйилганда эса бошқа бир кўринишда намоён бўлади. Бунда тарихга ёндашувнинг ўзи ҳам ўзгаради. Тадқиқотчининг тарихни ўрганиш усуллари унинг ўзи мансуб бўлган муайян жамият тараққиётига боғлиқ бўлиб, тарихий билимларнинг характери ва мазмунини белгилайди.

Айниқса маданият масалаларини ҳар томонлама ва изчил ўрганилиши муҳимдир. Негаки, бугунги кунда дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар XIX асрнинг геосиёсат, XX асрнинг геоиқтисодиёт, XXI аср эса геомаданият асри бўлиши ҳақидаги башоратларни тасдиқламоқда. Шундай экан, бу жараёнларни анъанавий ва замонавий методлардан фойдаланиб таҳлил этиш асосида тўғри хулосалар чиқариш ва чуқур асосланган тавсиялар тайёрлаш –бу тадқиқотларнинг амалий аҳамиятини белгилаб беради.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Вопросы социальной теории. 2009. Том III. Вып. 1(3) (Questions of social theory. 2009. Volume III. Issue. 1(3))
2. Гердер И.Г. Идеи к философии истории человечества. – М., 1977. – С.39. (Gerder I.G. Ideas for the philosophy of human history. М., 1977. – P.39.)
3. Григорьева Т.П. Вселенское дао. //https://cyberleninka.ru/article/n/ vselenskoe-dao/viewer (Grigoryeva T.P. Universal Tao. //https://cyberleninka.ru/article/n/ vselenskoe-dao/viewer)
4. Малиновский Б. Научная теория культуры. – М., 2005, с. – 41. (Malinovsky B. Scientific theory of culture. – М., 2005, p. – 41.)
5. Мацумото Д. Человек, культура, психология. Удивительные загадки, исследования, открытия. – Санкт-Петербург. 2008. – С.32. (Matsumoto D. Man, culture, psychology. Amazing mysteries, research, discoveries. St. Petersburg. 2008. – P.32.)
6. Мустафаева Н. XX асрда Ўзбекистонда маданият ва тафаккур. Тарихшунослик таҳлили. – Т., 2014. (Mustafayeva N. XX asrda Uzbekistonda madaniyat va tafakkur. Tarikhshunoslik tahlili. – Т., 2014.)
7. Общество и синергетика. Учебное пособие. <http://www.lib.uniyar.ac.ru/edocs/iuni/20180607> (Society and synergetics. Tutorial. <http://www.lib.uniyar.ac.ru/edocs/iuni/20180607>)
8. Тойнби А. Постижение истории. М.,1991. <https://nrozov.nsu.ru/rpha/lib/toynbee.htm> (Toynbee A. Comprehension of history. М., 1991. <https://nrozov.nsu.ru/rpha/lib/toynbee.htm>)
9. Уайт Л. Избранное. Эволюция культуры. М., 2004. С.475-703. (White L. Favorites. The evolution of culture. – М., 2004. S.475-703.)
10. Уайт Л.А. Понятие культуры <https://iphras.ru/uplfile/root/biblio/vst/2009/white.pdf> (White L.A. The concept of culture <https://iphras.ru/uplfile/root/biblio/vst/2009/white.pdf>)
11. Бифуркация тушунчаси аттрактор деб номланган тушунча билан узвий боғлиқдир. Академик Н.Н.Моисеев бу алоқани қуйидагича изоҳлайди: «табиатнинг ҳар қандай динамик тизимининг ривожланиши маълум бир аттракторда – тизимнинг барқарор ёки квази барқарор ҳолатларидан бирининг чекланган "тортишиш қисмида"да содир бўлади. Мураккаб чизиқли бўлмаган тизимлар кўп сонли аттракторларга эга бўлиши мумкин. Бир қатор сабабларга кўра ташқи таъсирнинг ҳаддан ортиқ босими ёки флуктуацияларнинг тўпланиши (жамиятдаги зиддиятларнинг) – бир кун келиб, вазият сифат жиҳатидан ўзгариши ва тизимнинг янги аттракторга ёки эволюция каналига ўтиши нисбатан тез содир бўлиши мумкин. Тизимнинг бундай қайта қурилиши бифуркация дейилади» Қаранг: <https://www.litres.ru/nikita-moiseev/chelovek-i-noosfera/chitat-onlayn/>

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000